



Куч-АДОЛАТДА

2011 йил,
27 октябрь,
пайшанба
№ 42 (348)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



ШУКУҲЛИ КУНЛАР ЗАВҚИ

Истиқлол йилларида юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда нафақат пойтахтимиз, балки вилоятлар марказлари ҳам замонавий иншоотлари, кўркам инфраструктураси билан кўрган кишининг ҳавасини келтиради. Албатта, бу давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб кўраётган чора-тадбирлари, халқимизнинг яратувчиликка, бунёдкорликка бўлган улкан иштиёқи тўғрисида.

Хусусан, Наманган вилоятида ҳам бу борада салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айтиш кераки, бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 августда қабул қилинган «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриямал бўлди. Ушбу қарорга асосан вилоят «Ешлар мар-

кази», Алишер Навоий номидаги вилоят мусика ва драма театри, Давлатобод мазеидаги «Яшил деҳқон бозори», «Марказий деҳқон бозори» тубдан қайта таъмирланди, кенгайтирилди. Шунингдек, Наманган аэропорти, «Бахт уйи», кўплаб кўп қаватли уйлар таъмирланди.

Ҳозирги кунда вилоятдаги «UZChasy» кўшма корхонаси «Нексия» ва «Матиз» автомобиллари ёритиш тизими учун 18 тур-

даги маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Вилоятда «Аз-Шах», «МРТ текстиль», «Мега текстиль», «Чортоқ Дайхан текстиль» сингари корхоналарнинг бунёд этилиши натижасида мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Утган йили вилоятдаги корхоналар томонидан 27,4 миллион АҚШ долларидан ортиқ маҳсулотлар экспорт қилинди. Намангандаги 98 та корхона бугунги кунда экспорт амалиётини бажармоқда.

Дарҳақиқат, Наманган шаҳри кейинги йилларда мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Биргина «Гилшўпринк», Давлатобод даҳасидаги янги барпо этилган ерости айланма йўллари кўрган кишини ҳайратга солади.

Наманган шаҳридаги ва барча туманлардаги маҳаллаларга назар ташлар экансиз, мебель жиҳозлари тайёрлаш, чеварлик, чини идишларга гул солиш, миллий ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, косибчилик, маҳсидўз-

лик, темирчилик, тунақасозлик билан шуғулланаётган оилалар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Маҳаллаларда касаначилик кенг ривожланмоқда.

Яқинда вилоятимизга Юртбошимизнинг ташрифи бунёдкор халқимизнинг гайратига гайрат, шижоатига шижоат қўшди. Президентимиз вилоятимиздаги улкан ўзгаришлар, хусусан, Наманган туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда барпо этилган замонавий уй-жойлар билан танишар экан, шундай фикрларни билдирди: «Фаровон ҳаёт одамларимизнинг умумий турмуш маданияти янада юксалишига хизмат қилади. Зеро, изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларимизнинг пировард мақсади ҳам аввало халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборатдир».

(Давоми тўртинчи бетда)

Ташкентда 2011 йил 18-20 октябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг олтинчи кенгаши бўлиб ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар олий судлари раисларининг олтинчи кенгаши яқунлари тўғрисида ахборот

Унда Қозоғистон Республикаси Олий суди раиси Б.Бекназаров, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ суди раисининг ўринбосари Чжан Цзюнь, Қирғизистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи К.Апаитова, Россия Федерацияси Олий суди раиси В.Лебедев, Тожикистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Юсупов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, шунингдек, ШХТ бош қотиби ўринбосари А.Носиров иштирок этди.

ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг кенгаши ушбу ташкилот доирасида суд-ҳуқуқ соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг маслаҳатлашув механизми ҳисобланади.

Ўзбекистон томони раислигида ўтган мазкур тадбир давомида унинг иштирокчилари ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаат-

лар мувозанатини амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш, суд жараёнида ярашув институтини жорий этиш, шунингдек, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ҳамда инсонпарварлаштириш сиёсатини ривожлантириш бўйича тажриба алмашди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг кун тартибидоги масалалар бўйича маърузалари тинланди.

Делегациялар раҳбарлари олий судлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд амалиётига тааллуқли материаллар, ўзаро манфаатли масалалар бўйича илмий-назарий ҳамда амалий ахборот алмашиш ниятини билдирди.

Кенгаш якуни бўйича ШХТга аъзо давлатлар Олий суд органларининг ҳамкорлик иштирокчиларига оид қўшма баёнот имзоланди.

(ЎЗА)

Yangi qonun mohiyati

Аҳоли соғлигини сақлаш борасидаги муҳим қадам



Маълумки, ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлининг негизи маълум беш тамойилдан бири — кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборатдир. Ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсати, бу борада қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилган ишларнинг барчасини бирлаштирадиган умумий мезон — эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

Mezon

Мулк ҳуқуқи у фуқаролик қонунчилиги асосида тўлиқ таъминланади

Ҳаётда ўзимизнинг ҳуқуқимизни талаб этаётган пайтда бошқаларнинг манфаатига зиён келтирмайманми, деган андишага ҳуқуқ тўғрисида, ҳаммаси рисоладагидай кечади, ҳеч ким зарар кўрмайди. Аммо ҳаётда фақат ўзини ҳақ деб биладиган, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмай-диган кишилар ҳам йўқ эмас. Албатта, қонунда қимнинг ҳақ эканлиги аниқ белгиланган бўлганда, винобарин, ҳар бир низоли иш судда ўзининг адолатли ечимини топади.

Даъвогар Нилуфар Норбоева (исм-фамилиялар шартли) билан жаъвогар Бахтиёр Норбоев 1990 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган. Уч нафар фарзанд (Анвар, Сарвар ва Севара) кўришган. Улар ўртасидаги никоҳ 2006 йилнинг 18 март кун бекор қилинган. Бунга эр-хотиннинг бир-бирини тушунмаслиги сабаб бўлган. Гап шундаки, Нилуфар ҳорихда ишлаш-ни ниёт қилади ва эрининг қарши-лигига қарамай ўз билганидан қол-майди. Орадан икки йил ўтади. Аммо Нилуфар ҳали-бери уйга қай-тиши ҳаёлига келтирмайди. Шун-дан сўнг Бахтиёр судга никоҳни бекор қилиш ҳақида даъво ариза-си беришга мажбур бўлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Қонунийликка риоя этилишининг ҳуқуқий кафолатлари

Айни шу мақсадда мазкур концепцияда кўплаб қонунчи-лик ташаббуслари илгари су-рилган. Утган вақт мобайнида уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш таклифи ҳам шулар жумласидандир. Ушбу қонун тезкор-қидирув фаолиятини

амалга ошириш тамойиллари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга. Негакки, қонуннинг мақсади тезкор-қидирув йўналишидаги тад-бирларни ўтказишда фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-рини таъминлаш, қонуний-ликка риоя қилишнинг реал

ҳуқуқий кафолатларини яра-тишга қаратилгандир. Концепцияда ўз ифодаси-ни топганидек, «Тезкор-қиди-рув фаолияти тўғрисида»ги қонун жиноятлар содир этили-шининг дастлабки босқичла-ридаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самара-дорлигини, шунингдек, су-

(Давоми иккинчи бетда)

Bag'rikenglik tamoyillari

Ярашув институтининг тадрижий ривожини

ёхуд миллий анъаналаримиз бардавомлиги хусусида

Маълумки, мамлакатимизда 2001 йилдан бошлаб жиний ҳазорларни либераллаштиришнинг самарали воситаси сифати-да ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида ярашув институти жорий этилди. Ярашув институти жиний жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбалиқ масаласини ҳал этмасдан туриб, жиний ишнинг тутатишга асос бўлмоқда.

(Давоми учинчи бетда)



Мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор юксалтиришнинг муҳим омил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича ишончли ҳуқуқий кафолатлар тобора мустаҳкамланаётди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ, соҳа вакилларига қулай бизнес муҳити яратилиши бўйича комп-лекс чора-тадбирлар қабул қилинди ва бу амалда изчиллик билан рўйбга чиқарилмоқда. Мухбиримизнинг Республика Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Есемурат КАНЪЯЗОВ билан суҳбати шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида.

2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Хусусий мулк устуворлиги иқтисодий барқарорликнинг муҳим омил

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси изчил таъминланмоқда, — дейди **Е.Канъязов**. — Бу борада барқарор қонунчилик базаси тобора та-комиллашган хусусий мулк устуворлигини мус-таҳкамламоқда. Жумладан, жорий йилда янги таш-кил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмалар-ни режали солиқ текширувларидан озод этиш му-ддати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суратлари ва рентабеллигини таъминлаётган кич-чик тадбиркорлик субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўт-казиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқла-рига улаш тартиби сезиларли даражада соддалашти-рилди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки

баробарга қисқартирилди. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони юз кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шу-гулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати се-зиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъек-тларини давлат харидлари жараёнида кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва амалда жорий этилди.

Бу каби чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг би-ринчи ярмида кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотда-ги улуши 42,2 фоизга етди. Шу ўринда қайд этиш керак-ки, сўнгги ўн йилда янги ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўси, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоиздан 74,5 фоизгача ошди. Бугунги кунда аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан туш-ган даромадлар ҳиссасига тўри келмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Hikmat

E'tirof

Шукуҳли кунлар завқи

DOHOLAR DEYIMLARI...

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма.
Бейфойда сўзни кўп айтма.
Зач хамма юк бўлмасликка ҳаракат қил.
Заковат — бош ичидаги олтин.
Яхши фикрлар юракда тугилади.
Дастлабки хато қилиш билмасликнинг, аммо кейингилари эса айбонинг натижасидир.
Инсон ўз ақлидан кўнгли тўлиши учун ундан ҳам ақлқироқ бўлган нарсаларни кўриши керак.
Дўстидан яшириб иш қилган оқибатда уялиб қолади.
Яхшилик инсоният санъатидир.
Яхшиликнинг энг мукаммал яхшилик қилинган одамга миннат қилинмаганидир.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида «Ёшлар маркази»да ҳам бўлди. Президентимизнинг бевосита ташаббус ва ғамхўрликлари билан барпо этилган мазкур марказда яратилган кенг имкониятлар тўғрисида нафақат шаҳарлик ёшлар, балки вилоятнинг олис туманларида истикомат қилаётган ўқувчилар ҳам бу ерда билим ва маънавиятини оширишда.



Шундай қилиб, 2006 йилда «Истиқлол» ишлаб чиқариш корхонасига асос солинди. Наманган туманининг Кумқўрғон қишлоғидан ер олиб, 50 миллион сўм миқдордаги банк кредити кўмагида корхонанинг ишлаб чиқариш цехи ва бошқа маъмурий ҳўжалик бинолари қурилиши амалга оширилди. Лойиҳанинг навбатдаги босқичига кўра, 2009 йилда Б. Умаров «Алоқа-банк»нинг 330 миллион сўм кредит маблағи билан корхонада модернизация тадбирларини амалга оширди. Жумладан, Германиядан «DURKOP — ADLER», Япониядан «JUKI» русумли махсус костюм тикиш машиналари, Ҳитойдан прессловчи ва дазмолловчи ускуналар келтирилди. Натижада корхонанинг буюртмачилари сафи тобора кенгайиб, шунга мутаносиб равишда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсиб борди. Утган йилнинг ўзида 1 миллиард 235 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, аввалги йилга нисбатан 70 фоиз ўсишга эри-

шилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик танловининг 2011 йилги мамлакат босқичида «Истиқлол» корхонаси кўрғазмага қўйган маҳсулотларнинг сифати, корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари, ишчи ўринларини яратиш, ишлаб чиқаришни янги технология билан бойитиш бора-бора фаолияти ҳар жиҳатдан эътироф этилиб, Бахтиёр Умаров «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича 1-ўринга лойиқ топилди, давлатимиз раҳбарининг совғаси — «Спарк» автомобили билан тақдирланди.

Президентимизнинг корхонамизга ташриф буюриб, жамоаси билан юзма-юз суҳбатлашгани фаолиятимизнинг энг олий эътирофи бўлди, — дейди Б. Умаров. — Юртбошимиз корхонамизда тайёрланган костюмларга юксак баҳо бериб европалардан биздан ўргангани келиши лозим, деган фикрни айтди. Биз бундан жуда руҳланиб кетдик. Бу сўзлар эришган ютуқларимизни янада кўпайтиришга ундайди. Биз, албатта, меҳнат ва изланишдан тўхтамай, Юртбошимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Хулоса қилиб айтганда, эришилаётган бундай ютуқлар замирида истиқлол бизга берган улкан имкониятлар муҳасам. Булардан бундан кейин ҳам оқилона фойдаланиш юртимизни янада улкан тараққиёт марраларига элтади. Жамолиддин МУСЛИМ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими масъул котиби

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Аризоналик Роберт Жаспернинг бўйни пешона тери тўқиб, меҳнат қилишга ёр берибди. Лекин бой-бадавлат яшашни истарди. У бунинг учун аввалига лотерея ўйнаб кўрди. Омади чопмади. Фирибгарлик орқали бойлишни хоҳлади. Қўлидан келмади. Ва охири-оқибат Роберт банкни ўмариб, бойиб кетишни ре-

Жон Уорри содир этган жиноятлари учун кетма-кет қамоқ жазосини ўтаб чиққан. У сўнги қиёмат қамоқхонани тарқатар экан, ўз-ўзига сўз берди: «Энди бу ерга қайтмайман. Жиноятга қўл урмайман ва қонунга буйсуниб яшайман». Жон камерадорлари қаршида айтган бу сўзлари ўша кунидеъ овоза бўлиб кетди. Айниқса, тиниб-тинчимас журна-

Caroyib olam

ОМАДСИЗ УДААБУРОНЛАР

жалаштирди. У аввалига штатда жойлашган барча банкларнинг ишини зимдан кузатиб юрди. Ана шунда унинг эътиборини «Blood bank» тортди. Негадир бу банк ходимлари ҳафтада уч кун — жума, шанба ва акшанба кунлари дам олишар экан. Бунинг устига дам олиш кунлари банкда жуда кам сонли кўриқчилар қолишарди. Энг асосийси, банкка ҳаво алмаштириш тизими орқали кириш мумкин экан. Қисқаси, аниқ бир қарорга келган Роберт жума оқшоми ҳаво алмаштириш қувури орқали банкка киришга ҳаракат қилди. Аввалига иш жуда силқик кўчди. У кўриқчиларга сез-дирмасдан қувур орқали банк биноси худудига ўтиб олди. Аммо энг сўнги дақиқаларда эски қувур синиб кетиб, Роберт банк биноси ичига қўлаб тушди. Омадсизликни қарангки, айнан у йиқилган жойда мижозлар ва банк ходимларини ажратиб турувчи темир тўсиқ ўрнатилган экан. Роберт ана шу тўсиқнинг устига йиқилди ва умуртқа погонасини синдириб олди. Душанба кuni ишга келган банк ходимлари беҳуш ётган ўғрини кўриб, дарҳол полицияга кўнғироқ қилишди. Робертнинг аҳолини кўрган полициячилар аввал уни шифохонага олиб боришди. Маълум бўлишича, омадсиз ўғри йиқилиш пайтида умуртқа погонасини синдириб олган ва шунинг оқибатида кимир эта олмайдиган бир аҳволда экан. Воқеадан хабар толган «Blood bank» бошқарувчиси судда Роберт Жасперга нисбатан даввоси йўқлигини билдирди. Унинг фикрича, бусиз ҳам Роберт тақдир яхшигина «сийлаган».

листар дарҳол у ҳақида мақола тайёрлаб, махсус сонларда чоп этишди. Қамоқдан озод қилинганнинг эртаси кuni Жон Уорри яқин қариндошлари ва таниш-билишлари билан тунги барга борди. Ўша ерда унинг янги ҳаётга қайтганини нишонлашди. Ушбу базми жамшидда яхшигина отиб олган Жон қариндошларига сўзининг устидан чиқишини кўрсатиш мақсадида машина рулгага ўтирмади. Чунки у маст ҳолда машина бошқариш жиноят эканини яхши биларди. У тақсидга уйига қайтаркан ҳайдовчи билан суҳбатлаштиб келди. Лекин манзилга етиб келган, чўнтағида бир чақа ҳам қолмаганини билди. Тақси ҳайдовчиси эса қира ҳақини тўлашни талаб қилиб туриб олди. Шунда Жон «ўйдан пул олиб чиқман», деб қириб кетди-ю, қўлида қурол билан қайтиб чиқди. У йўлқирани тўламагани етмагандек, ҳайдовчининг ёнидаги сўнги мирисига гаҳа қоқиб олди. Албатта, босқинчининг қўлидан омон-эсон қутулган ҳайдовчи дарҳол бу ҳақда полицияга хабар берди ва жиноятчининг аниқ манзилини айтди. Полициячилар етиб келишганда Жон Уорри аллақачон уҳлаб қолган экан. Лекин шундайгина ёстигининг ёнида қурол ва тақси ҳайдовчисидан тортиб олинган пуллар ётарди. Шундай қилиб, сўзидан тура олманган Жон яна қамоқхонага йўл олди. Одатда, полициячилар яширин тадбирлар ўтказишганда фуқаро кийимини кийиб олишади. Бир гал филан-дельфиялик полициячилар ўғирлик буюмларини олиб сотиш билан шуғулланувчи жиноятчини қўлга олишди. Жиноятчи илдизи билан қуришни мақсадида бир неча кун уникида яшаб, ўғирлик молларни келтирувчиларни ҳам қўлга олишди. Орадан бир ҳафта ўтиб, жиноятчиникига келувчиларнинг қадами узилди. «Демак, жиноятчининг барча шериклари қўлга олинди», деб ўйлаган полициячилар махсус машина чақириб, унга мусодара қилинган ўғирлик молларни орта бошлашди. Айни шу пайтда бир киши уларнинг ёнига келиб, ўғирлик мол борлигини ва арзон гаровга сотишини айтди. Албатта, уни ҳам қўлга олишди. Шундан сўнг ҳайратини яширилмаган фуқаро кийимидоғи полициячилардан бири ундан: «Ахир, машинанинг билкинига кўра ҳассада қилиб «полиция» деб ёзиб қўйибди-ку, нега кўра била туриб, босқинни қопқонга тикидинг?», — деб сўради. Шунда ўғри «Мен қаердан билай, сизлар ҳам ўғри бўлсаларингиз керак, полиция машинаси ҳам ўғирлангандир деб ўйлабман», — дея жавоб берди. Бировнинг ҳақи барибир бировга буюмайди, деб шунга айтсалар керакда.

Интернет материаллари асосида Сардорбек ХАМРОЕВ тайёрлади.

Sabog

Соғлом ҳаёт тарзи жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлигига боғлиқ

Бу ҳаётда инсонга берилган неъматларнинг энг асосийларидан бири бу — саломатликдир. Соғлом одам деганда, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тетик киши гавдаланади.

Албатта, соғлом ҳаёт тарзи инсондан ҳаётда муайян қоидаларга қатъий риоя этишни, чунончи, танани қувватсиз қиладиган, ақлни заифлаштирадиган иллатлардан узоқ юришни тақозо этади. Чунки биргина гиёҳвандликка ружу қўйган кимса иммунитет пасайиши, ҳолсизлик каби катор касалликларга дучор бўлгани етмагандек, иродасизлик, хотира сулғиши сингари руҳий емирилишлар исканжасида қолади.

Албатта, келажакка бепарқ қарамайдиган ҳар бир жамият бу таҳдидга ўзининг қатъий муносабатини билдиради. Шу маънода гиёҳвандликка қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асослари яратилган, бу иллатнинг янғичи интиҳоси ҳақида кўплаб тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда четдан гиёҳвандлик воситаларининг кириб келишига мустаҳкам тўсиқ қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда бевосита мисолларга назар ташлайдиган бўлсак, 1956 йилда туғилган Б.Матёкубов ҳамтовови М.Азизов билан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини Хоразм вилоятига олиб киришга уринган. Улар 2010 йилнинг апрель ойида жиноий мақсадларини амалга ошириш нијатида режа тузишди. Бу жиноий режага кўра, 5 килограмм гиёҳвандлик воситасини М.Азизовнинг уйига олиб келиб, газ плитасининг ички қисмига яширишди. Газ плитаси «Тошкент-Хоразм» йўналиши бўйича қатнайидиган автобуснинг юкхонасига жойлаштирилиб, М.Азизовнинг кузатуви остида Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманига олиб келинади. Шундан сўнг Б.Матёкубов ўзининг «Дамас» русумли автомашина-

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Масалан, фирибгарлик кўчасига кирган З.Еримбетовнинг жиноий қилмишларига назар ташласангиз, у, энг аввало, ўзaro ишонч, меҳр-оқибат тўғрисидаги ишонч, ўзининг чиркин манфаатларига етишни кўзлаганига гувоҳ бўласиз.

....Зариф Еримбетов (исм-фамилиялар ўзгартирилди) фирибгарлик йўлига кирмасдан олдин Беруний туманидаги идоралардан бирининг масъул ходими сифатида фаолият юритган. У фирибгарлик йўли билан бойлик орттириш мақсадида пинҳоний режа тузarkan, илк «фаолият»ини ўз таъинини алдасдан бошлади. Ушунда айни ёз палласи эди. У Т.Азимбоевнинг уйига борarkan, унинг ишончига қириб, 4 миллион сўм пул зарур бўлиб қолганини айтди. Буни қарангки, ҳеч қандай шубҳага бормаган хонадон соҳибаси унинг сўзларига чипа-чин ишониб, сўраган пулни унинг қўлига тўтқазди. Зариф эса бу пулларни ўз эҳтиёжи йўлида сарфларкан, уни қайтариш ҳақида умуман ўйламайди ва ҳар гал турли хил баҳоналар билан қарзини сўраган Т.Азимбоевани қўруқ қўл билан ортига қайтарди.

Шу тариқа фирибгарликнинг «тузи»ни тогган Зариф янғидан-янғи режалар асосида жиноий фаолиятини кенгайтира бошлади. Шундай кунларнинг бирида у таниши У.Қаландаровга пластик тўлов картчасидаги пулларни нақд пулга алмаштириб беришни ваъда қилди. Шу тариқа У.Қаландаровнинг турмуш ўртоғи ва яна тўрт нафар қариндошининг «Агробанк»нинг Беруний тумани бўлими томонидан берилган пластик тўлов картчаларини оларкан, уларнинг ҳисобидоғи пулларини ўз эҳтиёжи йўлида сарфлаб юборди. Натижада У.Қаландаровга жами 1.127.000 сўм моддий зарар етказди.

Нафси тобора ҳақалак отган З.Еримбетов чиркин ишлари хамирдан қил суғиргандек осон кўчаётганидан қувониб, янги мижозлар ахтаришга қиршаркан, яна бир қанча содда кишилар унинг «меҳрибонлиги»дан баҳраманд бўлишди.

Ehtiyot bo'ling, firibgar!



Жумладан, Э.Раҳимов унинг пластик тўлов картчаси ҳисобидоғи маблағни нақд пулга алмаштириб беришга ишониб, ўзининг яқин қариндошлари номидаги пластик картчаларни ҳам қўшқўлаб унга тўтқазди. Бу фирибгарлик натижасида у 2.233.000 сўм моддий зарар кўради. Булардан ташқари М.Исоқов, Б.Бобожанов, Д.Аллабергенов ва С.Абдикаримова ҳам унинг алдовига ишониб «чув» тушишди.

Буни қарангки, З.Еримбетов нафс қўлига айланш баробарида меҳр-мурувват, оқибат сингари тўғуллардан ҳам мосуво бўлган қўринадан. Акс ҳолда у ўз фарзанди олдидаги оталик бурчини унутмаган бўларди. Гап шундаки, у 2007 йили У.Ражабаева билан турмуш қуриб, фарзанди бўлган. Бироқ баъзи оилавий можоралар сабаб уларнинг никоҳ бекор қилинади. Натижада суд қарорига белисидек «қаҳрамон»имиз 2011 йилнинг 3 мартдан август ойига қадар жами 573.762 сўмлик алимент пулини тўламасдан қолган.

Табиийки, Зарифнинг жиноий қилмишлари охири-оқибат фoш бўлиши аниқ эди. Унинг

қаллоблигини англаб етган яқинлари охири-оқибат ҳуқуқ тартибот идораларига мувожадат қилишди. Тергов жараёнида ўзгалар ҳақида кўз тиккан фирибгар З.Еримбетовнинг ўз танишларига жами 15.161.062 сўмлик моддий зарар келтиргани аниқланди.

Ўзгаларнинг мол-мулкига эга чиқмоқчи бўлган З.Еримбетов ўзининг жиноий қилмишларига яраша муносиб баҳо олди. Аммо кишини бошқа бир ҳолат ўйлантиради. Гап шундаки, З.Еримбетовнинг фириб тузоғига илинганларнинг барчаси ақли расо, қатта ҳаёт тажрибасига эга кишилар. Уларнинг ноқонуний йўл билан мақсадига етишни кўзлагани кишини ажаблантиради. Аслида улар бу хатти-ҳаракати билан фирибгарнинг төғирмоғига сўв қўйишган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳаётда ҳамisha қонун доирасида фаолият юритиш нафақат кишининг хотир-жамлигини таъминлайди, балки турли хил иллатларга ҳам барҳам беради.

Хушнуд СУЛТАНОВ, Беруний тумани ИИБ тергов бўлими масъул терговчиси, катта лейтенант

Куч—АДОЛАТДА МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ Бўриш МУСТАФОЕВ Олимжон ИСМАИЛОВ Шерали РАХМОНОВ Мавжуда РАЖАБОВА Нуриддинжон ИСМОИЛОВ Зарифжон МИРЗАКУЛОВ Мухаммад АЛИ Омонбой ОҚЮЛОВ Холмўмин ЁДГОРОВ Дилбар СУЮНОВА Юлчибой ТУРСУНБОВ Шоюнсу ФОЗИЕВ Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир Отабек САФАРОВ Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru Tel.: 239-02-54, 239-02-55 Буюртма: Г-1016. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6199. 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰